2016 ЙИЛ 18 НОЯБРЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 243 (13.306)

Баҳоси эркин нархда

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон 17 ноябрь куни мамлакатимизга ташриф буюрди.

Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов кутиб олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 18 ноябрга мўлжалланган.

Туркия Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон учрашуви чоғида Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинади, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилади.

ЎзА

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

ОЗОДЛИГИМИЗ ВА ҒУРУР-ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Юртимизда байроқ қадим-қадимдан озодлик, ғурур-ифтихор, ор-номус тимсоли бўлиб келган. Боболаримиз ҳамиша Ватан байроғини сарбаланд этиш йўлида курашган.



Амир Темур салтанатида ҳам жангу жадалларда давлат туғини қўшиндаги энг ишончли баҳодир сипоҳилар қўриқлаган, ғаним устидан ғалаба қозонганда алоҳида шижоат ва мардлик кўрсатган амирлару сипоҳиларга махсус туғ ҳадя қилинган.

1991 йил 18 ноябрь куни Биринчи Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Шу кундан эътиборан миллий байроғимиз давлатимиз суверенитети рамзига, истиқлолимиз ва истиқболимиз тимсолига айланди.

...Ватан ҳимояси учун ҳарбий хизматга чақирилган ўғлонларимизнинг ҳарбий қасамёд маросимини кузатганмисиз? Ғалабаси шарафига мадҳия садолари остида баландга кўтарилаётган байроғимизга боқиб, кўзларига ёш олган спортчиларимизни-чи? Мактабга илк бор қадам қўяётган жажжи болажонларнинг байроқчани ҳилпиратиб, севинчдан орзиқишини-чи? Бундай паллаларда қалб туғёнга келиб, шу юрт, шу муқаддас замин фарзанди эканингдан тўлқинланиб кетади одам. Айниқса, Ватанимиз байроғи дунёнинг энг юксак минбарларида мағрур ҳилпираётганини кўрган лаҳзаларда Ватан учун, унинг тинчлиги, истиқболи учун қурбон бўлишга ҳам тайёрлигингни ҳис қиласан.

1992 йил 2 март куни Ўзбекистон мустақил давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб, байроғимиз унинг пештоқида ҳилпирай бошлаган кун барча ватандошларимиз кўнглида ана шундай туйғулар тўлиб-тошди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов БМТ минбарида мустақил Ўзбекистон давлат байроғи остида нутқ сўзлаган шарафли дамларда ҳам шу ҳисни туйганмиз.

Энг нуфузли спорт мусобақалари – Олимпия ўйинларида юртдошларимиз ғалабаси шаънига байроғимиз сарбаланд бўлган кунларни эсласак, ҳаяжонга тушамиз.

2016 йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ҳам бот-бот мадҳиямиз янграб, байроғимиз кўтарилди – кўксимиз чексиз фахр-ифтихорга, ғурурга тўлди. Ўша лаҳзаларда боғу ҳиёбонлар давлатимиз байроғини мағрур ҳилпиратган ёшларга, кўчалар Ўзбекистон байроғи қўйилган машиналарга тўлди...

Буларнинг барчаси давлатимиз байроғи юртдошларимиз қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилаётганидан далолатдир.

2010 йили пойтахтимизда барпо этилган "Ватанга қасамёд" бадиий мажмуасида тасвирланган ўғлон байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки ётган қутлуғ заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилмоқда. Бу муқаддас байроқнинг инсонга берадиган чексиз маънавий қуввати, енгилмас руҳи нишонасидир.

Давлатимиз байроғига ҳурмат "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонунни пухта ўрганиш ва унга тўла амал қилишимизда ҳам намоён бўлади. Миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишда белгиланган рангли-схематик тартибларга риоя этишимиз, унинг мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа шахслар томонидан ҳурмат қилинишига эришишимиз чин инсоний бурчимиздир.

Давлатимиз байроғидаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги қудратли давлатлар туғларидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда юртимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этади.

Мовий ранг – мусаффо осмон ва обиҳаёт рамзи бўлиб, яхшиликни, донишмандлик, ҳалоллик, шон-шуҳрат ва садоқат, оқ ранг – тинчлик, поклик, беғуборлик, софлик, эзгу орзу ва умидлар тимсолидир. Табиатнинг янгиланиши рамзи яшил рангда акс этган бўлиб, у навқиронлик, умид ва шодумонликдан нишона. Қизил чизиқлар – ҳар бир тирик вужудда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқларини ифодалайди.

Давлатимиз байроғи Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, давлатимизнинг чет эллардаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлардаги ваколатхоналарида, халқаро микёсдаги нуфузли анжуман ва конференциялар, спорт мусобақаларида баланд кўтарилмоқда. Бу азиз тимсол давлат идоралари, таълим муассасаларида юртимиздаги тинчлик-фаровонликнинг рамзи сифатида мағрур ҳилпираб турибди.

Мамлакатимиз билан Ҳамкорлик ўрнатган барча давлатлар Ўзбекистон Республикаси давлат байроғига, унинг тимсолида давлатимиз суверенитетига, халқимиз озодлигига бўлган ҳурмат-эҳтиромини ифода этади. Мамлакатимизнинг чет эллардаги элчихоналари, халқаро ташкилотлардаги ваколатхоналарида мустақил Ўзбекистоннинг давлат байроғи қўйилган.

Бизни ягона давлат, бир халқ сифатида бирлаштириб турган байроғимиз остида улуғ мақсадлар, буюк келажак сари дадил бораверамиз.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





Ғуломов (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бошқармасининг Марказий госпиталида янги жарроҳлик бўлими биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан тадбир ташкил этилди.

ЯНГИ ЖАРРОҲЛИК БЎЛИМИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Унда сўзга чиққан Ички ишлар вазири ўринбосари А.Мирзаев, Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Худоёров ва бошқалар юртимизда ички ишлар органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хусусан, вазирлик тизимидаги тиббиёт муассасаларининг замон талаблари даражасида хизмат кўрсатишини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали беш юз ўринга мўлжалланган бўлиб, муассасада замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган диагностика бўлими, терапия, кардиология, неврология, реабилитация бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилган. 120 ўринга мўлжалланган янги жарроҳлик маркази ҳам барча замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, унда хирургия бўлими, травматология, урология, умумий жарроҳлик, махсус жарроҳлик бўлинмалари ҳамда нейрохирургия, офтальмология ва бўғинлар жарроҳликлари йўналишлари бўйича ва жонлантириш бўлинмалари фаолият олиб боради.

Жарроҳлик операцияларини амалга ошириш учун олтита, жумладан, тезкор жарроҳлик хоналари мавжуд. Шунингдек, алоҳида рентген хонаси ҳамда зарурат туғилганда қон қуйиш учун қон қуйиш станцияси барпо этилган.

Жарроҳлик биноси хоналарини доимий равишда мўътадил об-ҳаво билан таъминлаш мақсадида замонавий кондиционер ҳамда бошқа ҳаво алмаштириш тизимлари билан ҳам таъминланган.

Абдували СОДИҚОВ

Сайлов – 2016

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида 2016 йил 17 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. 3-Бухоро, 6-Наманган, 9-Сурхондарё округ сайлов комиссиялари раисларининг ахбороти эшитилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юксак ташкилий даражада ўтказишда участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш ва уларнинг комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Шу йилнинг 20-30 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида сайлов участкаларини овоз беришга тайёрлаш, муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш, сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш ва бошқа долзарб масалаларга бағишланган семинарлар ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Комиссия аъзолари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сайловчиларнинг яшаш жойида овоз бериши билан боғлиқ айрим қоидаларини бир хилда қўллашга тааллуқли масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов участкаларида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Мажлисда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Ислом ҳамкорлик ташкилоти миссиялари кузатувчиларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Б.БОЗОРОВ

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоийда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ва бошқа дастурлар ижроси юзасидан депутатлик назорати самаралари: ютуқлар, муаммолар ва истиқболдаги вазифалар" мавзусида минтақавий семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан ташкил этилган семинарда халқ депутатлари Бухоро, Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари иштирок этди.

● Қибрай туманида хотин-қизларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлардаги иштирокини янада кенгайтириш, тадбиркорликнинг илғор тажрибаларини тарғиб этиш мақсадида "Қўли гулдир ўзбек аёлин..." шиори остида форум бўлиб ўтди.

● Наманган вилоятининг Поп тумани Олтинкон шаҳарчасида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. "Роҳила" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан амалга оширилган реконструкция ва қўшимча қурилиш-монтаж ишларига 614 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Янги бинода 300 ўринга мўлжалланган томоша зали, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, доира, рубоб, тасвирий санъат, ашула ва рақс тўгараклари фаолият кўрсатиши ҳамда аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилди.

● Қарши шаҳрида ўтказилган ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловининг Қашқадарё вилояти босқичида 60 нафар ёш ижрочи ўз истеъдодини намойиш этди.

● "Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти тизимида қиш мавсумига тайёргарлик бўйича тасдиқланган режага мувофиқ 177 трансформатор мукаммал таъмирдан чиқарилди.

ЖАҲОНДА

● Норвегия ОИВ (одам иммунотанқислиги вируси)га қарши бепул дори воситалари тарқатадиган дунёдаги биринчи давлат бўлди. Бу тизим самарадорлиги 99 фоизни ташкил қилади. Норвегия соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишича, бепул профилактик дори воситалари ОИВ билан касалланиш хавфи кўпроқ бўлган фуқароларга берилади.

● Сомали президенти Ҳасан Шайх Маҳмуд кучли қурғоқчиликдан азият чекаётган мамлакат аҳолисига гуманитар ёрдам беришга чақириб, халқаро ҳамжамиятга мурожаат этди. БМТ маълумотларига кўра, Сомалида озиқ-овқат етишмовчилигига дуч келаётганлар сони 5 миллион кишига етди, бу эса мамлакат аҳолисининг 40 фоиздан ошиғини ташкил этади. Уларнинг 300 мингдан ортиғи беш ёшгача бўлган болалар эканлиги билдирилмоқда.

● Португалиялик футболчи Криштиану Роналду дунёдаги дастлабки миллиардер футболчига айланиши мумкин. Гап шундаки, унинг спорт товарлари ишлаб чиқарувчи Американинг "Найк" компанияси билан реклама мақсадларида тузилган умрбод шартномасига кўра, ҳар йили футболчига 24 миллион доллардан маблағ тўлаб борилади.

● Эрон Россия билан атом энергетикаси соҳаси бўйича ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигини билдирди.

● Хитой ўзининг илк сузувчи атом электр станциясини бунёд этишга киришди.

Сайлов – 2016

САЙЛОВ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли Маънавият ва маърифат марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хотин-қизларнинг фаоллигини кучайтириш, уларнинг сиёсий билимларини янада оширишга қаратилган давра суҳбати ташкил этилди.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Турин политехника университети, Тошкент тиббиёт академияси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари, олимлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, бу жараёнда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди.

Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга оид тадбирлар дастури изчил амалга оширилмоқда. Дастурнинг 16-бандида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида "Хотин-қизларнинг сайловлардаги иштироки" мавзуида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш белгиланган. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бугунги кунга қадар ўн икки мингдан зиёд тадбирлар ташкил этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, ҳар бир сайловчининг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг овози давлатимиз келажаги ва халқимизнинг эртанги фаровон турмуши учун қандай аҳамият касб этиши билан боғлиқ мавзулар бўйича тушунчалар берилди. Илк бор сайловда иштирок этаётган қизлар сайлов қонун-қоидалари билан таништирилиб, уларга сайлов кампанияси жараёнлари, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, овоз бериш тартиби ҳақида маълумотлар берилди.

– Сайлов – демократия кўзгуси, – дейди ЎзА мухбирига Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Маҳзуна Абдурасулова. – Бу сиёсий жараёнга биз таҳсил олаётган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ҳам катта тайёргарлик кўрилмоқда. Тинч-осуда ҳаётимиз, биз, ёшларнинг келажак-истиқболимиз учун қайғурадиган энг муносиб номзодга овоз бераман.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

А.ҚИЁСОВА



МЕН ЎЗ КЕЛАЖАГИМ УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш, унда ёшлар фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган "Сайлов – демократия кўзгуси" мавзусида очиқ мулоқот ўтказилди.

Тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси, Адлия бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси ҳамда сиёсий партиялар ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда илк маротаба сайловда иштирок этадиган 60 нафарга яқин ёшлар қатнашди.

Унда сўз олган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А.Жумабоев ва бошқалар мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштириши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун барча шароит яратилгани, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ёшларнинг иштирок этиши ҳамда муносиб номзодга ўз хоҳиш-иродасига таянган ҳолда овоз беришлари, сиёсий ва ижтимоий фаоллик кўрсатишлари, фаол фуқаролик позициясини намоён этишлари муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтишди.

Тадбирда мамлакатимизда демократик талаблар ва халқаро стандартларга мос сайлов тизими шакллантирилганлиги, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш, фуқаролар, жумладан, ёшларнинг сайлов ҳуқуқларини тўла амалга ошириши учун шарт-шароит яратиш борасидаги қонунчилик изчил такомиллаштирилганлиги акс эттирилган видеоролик намойиш этилди.

— Жорий йилги сайловда илк бор иштирок этадиган ёшлар сафида эканлигимдан жуда мамнунман, — дейди Тошкент банк коллежининг 3-босқич ўқувчиси Шавкат Раимқулов. — Ўз конституциявий ҳуқуқларимдан фойдаланиб, мамлакатимиз тараққиёти йўлида ўз ҳиссасини қўшадиган муносиб номзодга овоз бераман. Тадбирда сайловда ҳар бир сайловчининг овози муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор англадим. Мамлакатимизда биз, ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллашимиз, истеъдод ва салоҳиятимизни кенг намоён этишимиз учун барча шароит яратилган.

Тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан аҳоли, хусусан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида амалга оширилган ишлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг аҳамияти ва фуқароларнинг мазкур сайловларда иштирок этиш ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, сайловларнинг адолатли ўтиши мақсадида амалга оширилаётган ишлар ва сиёсий партиялар томонидан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида илгари сурилаётган сайловолди Дастурлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишлар кенг миқёсда қизғин давом этмоқда. Республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу сиёсий жараённи тенглик, ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ ИЗЧИЛ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури доирасида жойларда фуқароларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун, унга сўнгги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонун ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини тушунтириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур дастур асосида аҳолининг кенг қатлами вакиллари, жумладан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, биринчи маротаба сайлов жараёнида қатнашаётган йигит-қизлар ўртасида давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, учрашувлар, турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Сайловга тайёргарлик, уни ўтказиш, умуман, сайлов жараёнидан хабардорлик даражасини янада ошириш бўйича ташкиллаштирилаётган тадбирларда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайтириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларининг изчил олиб борилиши уларнинг ўз овози давлатимиз ва жамиятимизнинг келгуси тараққиёти учун ғоят муҳимлигини англаб етишларига хизмат қилади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, ушбу жараёнга барчамиз бирдек дахлдор эканлигимиз онгу шууримизга сингиб кетиши, уни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга масъулият билан ёндашишимиз, бир чеккада томошабин бўлмасдан, бевосита иштирок этишимиз керак.

Маълумки, ҳар бир сайлов мамлакатимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқелик ҳисобланади. Зеро, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини демократик сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, айнан сайловлар жараёнида давлат ва жамиятда мавжуд ёхуд юзага келаётган хилма-хил қарашлар, одамларнинг хоҳиш-иродалари, орзу-умидлари, истак-интилишлари яққол намоён бўлади.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, сайловлар қандай ва қай тарзда ўтиши ўша давлатдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, сайлов ҳуқуқи эркинлиги ва фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқлигини кўрамиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бажаришда давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли, яъни сайловлар билан амалга оширишлари белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бажаришда бевосита ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловларида фаол қатнашишлари билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ республикамиз фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ўз овози билан қатнашиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволи, ирқи, миллий мансублиги, жинси, тили, маълумоти, динга муносабати, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда чеклашга йўл қўйилмайди.

Жамиятни янада янгилаш ва демократлаштириш фуқароларимизнинг қонунда белгилаб берилган сайлов ҳуқуқларини амалга оширишларига ҳам узвий боғлиқ. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг барча босқичларидан сайловчиларимиз хабардор бўлишлари, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлақонли риоя қилишлари ва албатта, сайлов куни хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари орқали ўз фуқаролик бурчларини юксак масъулият билан кўтаринки рухда амалга оширишлари мамлакатимизда демократик тамойилларга мос бўлган сайлов тизими яратилганлигини эътироф этишга асос бўлади.

Барно РЎЗИЕВА,
Тошкент шаҳар
"Наврўз" никоҳ уйи мудираси

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан жамият ва давлат ҳаётининг муҳим саналари муносабати билан амнистия актларини қабул қилиш анъанага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати 2016 йил 12 октябрда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор давлатимизнинг ушбу йўналишда олиб бораётган инсонпарварлик сиёсатининг узвий давоми бўлди.

Мазкур Амнистия актининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, Қарорнинг қўлланилишини тўғри ва аниқ амалга оширилишини таъминлаш, татбиқ қилиниши жараёнида хато ва камчиликларнинг олдини олиш ва йўл қўймаслик ҳамда ходимларнинг масъулиятини ошириш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Тошкент шаҳар прокуратурасида идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ва туман прокуратура органлари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари, адлия, ички ишлар, молия, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, давлат солиқ ва божхона бошқармалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимлари, шунингдек, Тошкент шаҳар "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Амнистия тўғрисидаги қарорни ўз вақтида ва самарали ижро этилишини таъминлаш, амнистия актига асосан жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилиб олинди.

Амнистия жиноят содир этган шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатиладиган инсонпарварликнинг олий намунаси бўлиб, унинг луғавий маъноси кечириш, гуноҳидан ўтиш тушунчаларини англатади.

Бошқача айтганда, амнистия — жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, жазо муддатини камайтириш ёхуд ушбу шахсларнинг судланганлик ҳолатини муддатидан илгари олиб ташлашдир.

Бундан кўзланаётган асосий мақсад — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, адашиб жиноят кўчасига кириб қолган шахсларга имконият бериб, уларни маҳалласи, оиласи ва фарзандлари бағрига қайтариб, жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашдан иборатдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва очиқ-ошкораликни таъминлаш мақсадида сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳларини тузиш ва бу жараёнга уларнинг бевосита иштирокини таъминлаш вазифаси қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорнинг таъсир доирасига тушадиган ҳар бир шахс аввалambor, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиб олиш учун берилаётган имконият замиридаги бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатларининг асл моҳиятини чуқур англаб олишлари зарур.

Самир АРШИДИНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Юнусобод тумани ҳокимининг

ҚАРОРИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2017 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуни 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда), "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 8-сон, 73-модда), "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 85-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 333-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2017 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 6 октябрдаги баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Юнусобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 257 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 1630 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларни тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

Бандликка кўмаклашувчи Юнусобод тумани марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Юнусобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2017 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2016 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2017 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар Бандликка кўмаклашувчи Юнусобод тумани марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда, ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Бандликка кўмаклашувчи Юнусобод тумани маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашувчи жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи Юнусобод тумани маркази (Д. Рашидов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қонуний кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Юнусобод тумани ҳокимининг ўринбосари С.Касимов зиммасига юклансин.

Юнусобод тумани ҳокими
М.Миркасимов

2016 йил 4 ноябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Тошкент кимё-технология институтида "Конституция – буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллиги муносабати билан Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган тадбирда ҳуқуқшунос олимлар, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари, санъаткорлар, журналистлар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилгани ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамияти барпо этишнинг бош омили бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Инсонни эъзозлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш демократик, адолатли давлатга хос хусусиятдир. Асосий қонунимизнинг 13-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

– Конституциямизда одамлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиш асосий мақсад этиб белгиланган, – дейди Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси Суннатилла Салоҳиддинов. – Бугунги тадбирда Бош қомусимиз юртдошларимиз ҳаётида нечоғли ўзгаришлар ясагани аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилди. Шунингдек, Конституциянинг мазмун-моҳияти, ёшларга оид ҳуқуқ ва эркинликлар, давлат ва жамият олдидаги бурч ва вазифалар хусусида кенг тушунчалар берилди. Бош қомусимиз ва қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар, эркинлик ва мажбуриятларнинг тарғиботи самарадорлигини янада ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

4 декабрь – сайлов куни

ИСЛОҲОТ – ИСЛОҲОТ УЧУН ЭМАС, АВВАЛО ИНСОН УЧУН

Сайловлар — кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир. Айни кунларда мамлакатимизда шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бири — сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан бир қатор учрашувлар ўтказмоқдалар.

Жумладан, Бектемир туманидаги И.М.Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университети филиали қошидаги академик лицей, Мирзо Улуғбек туманидаги Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмасининг ўқув маркази, Олмазор туманидаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" маркази ва Сергели туманидаги Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг ишончли вакили, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Абдуҳаким Ходжибоевнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирларда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари, 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, корхона, ташкилот, муассасалар ходимлари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Номзоднинг ишончли вакили Шавкат Мирзиёевнинг таржимаи ҳоли билан таништирди ва сайловолди дастурининг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтди. Сайловолди дастурида давлатимиз ва жамиятимизнинг жадал ривожланиши йўлида халақит бериши мумкин бўлган тўсиқлар ҳар томонлама таҳлил этилгани ҳолда, юртимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб оладиган, яқин ва олис истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган ва шунингдек, мамлакатимизни янада тараққий эттиришни таъминлайдиган бешта устувор йўналиш белгилаб олинганига эътиборни қаратди. Жумладан, сиёсий тизимни ривожлантириш соҳасидаги устувор вазифаларимиз ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, ташаббусларини амалга ошириш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришдан иборат.

Кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсирини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳокимиятнинг вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятида сиёсий партиялар гуруҳларининг ролини кучайтириш, айниқса, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги ваколатларини кенгайтириш тарафдоримиз, деди ишончли вакил ва қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

Биз янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ҳалол, ўз Ватани ва халқига содиқ кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратиш устида жиддий ишлаймиз.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда давлат хизматчилари томонидан сансалорлик ва масъулиятсизлик ҳолатларига бутунлай барҳам бериш учун қатъий кураш олиб борамиз.

Бинобарин, давлат муассасалари ходимларининг масъулиятини ошириш ва шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида биз "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ташаббусини илгари сурамиз.

"Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" концепциясини амалга оширишни давом эттириш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Шу мақсадда жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини ривожлантириш, маҳалла тузилмасининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ва шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилади.

Муҳтарама аёлларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказишда ўрни беқиёс бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги нуфузини янада оширишимиз зарур. Улар учун муносиб шарт-шароитлар, янги иш ўринлари яратиш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бизнинг доимий ва муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Ёши улуғ инсонлар, ёлғиз кексалар ва имконияти чекланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиш режалаштирилмоқда. "Нуроний" жамғармасининг мақоми ва мавқеини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилади.

Биз "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" деган даъватни хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятимизнинг асосий тамойили сифатида белгилаб олганмиз.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган 137 та миллий-маданий марказнинг ўрни беқиёс эканини инобатга олган ҳолда, миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш келгусида ҳам сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Барчамиз учун Ватан битта.

Битта мақсад бизни бирлаштиради, у ҳам бўлса: Ватанимиз тараққиётидир!

Муқаддас юртимиз, бағрикенг халқимизга садоқат билан хизмат қилиш эса барчамизнинг энг шарафли бурчимиздир!

Учрашувлар кўтаринки руҳ ва қизғин фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖНИНГ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 21 декабрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтадиган "Очиқ аукцион" савдосига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳисобидаги бошланғич баҳоси 15 380 138 сўм бўлган 2005 йилда и/ч АЗС ҳамда 2009 йилда и/ч КАЗС р-ли автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари қўйилмоқда. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоиз миқдорида закалат пулини тўлашлари керак. Аукцион ғолиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархининг 3 фоиз миқдорида комиссион йиғим тўланади. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Мазкур мулк сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2016 йил 28 декабрь кунлари ва ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари юқорида кўрсатиб ўтилган соатларда ўтказилади. Аукцион ғолиблари савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Закалат пули тўловлари "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АТБ "*Infin*BANK" банкдаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний (юридик) шахсни тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлари ва закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашганда – ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (0595) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 22 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани СИБ томонидан 26.10.2011 йилдаги 27423/10 -сонли ижро варақасига асосан хатланган 2009 й. и.ч.,"Ласетти" д.р. 01 151 DCA. Бошланғич баҳоси – 42 858 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар судининг 24.01.2006 йилдаги 796-807/16 - сонли ижро варақасига асосан хатланган ва техник носоз бўлган: 1.1998 й. и.ч.,"ТИКО" д.р. 30F4690. Бошланғич баҳоси – 16 527 147,12 сўм. 2.1998 й. и.ч.,"ТИКО" д.р. 30F3807. Бошланғич баҳоси – 14 461 253,73 сўм. 3.1997 й. и.ч.,"ТИКО" д.р. 10Y9656. Бошланғич баҳоси – 15 419 362,50 сўм. 4.1999 й. и.ч.,"Нексия" д.р. 10L0110. Бошланғич баҳоси – 25 052 594,49 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Мирообод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 22 декабрь кунидаги аукцион савдоси учун 20 декабрь 2016 йил соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирообод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44.

Гувоҳнома 004593.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

